



“ 24 ” февраль 2014 у № 11

**Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини
амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналар
танлама кузатувини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари бўйича статистик маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Жорий йилнинг 28 мартдан 31 мартагача бўлган даврда 2016 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналар танлама кузатуви (кейинги ўринларда – кузатув) ўтказилсин.

2. Қуйидагилар:

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналар кузатуви анкетаси (кейинги ўринларда – кузатув анкетаси) 1-иловага мувофиқ;

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналар танлама кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вақтинчалик тартиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тадбиркорлик ва банк-молия хизматлари статистикаси бошқармаси (Қ.Бердиқулов), жорий йилнинг 27 март санасига қадар 2016 йил учун 1-КВ “Микрофирма ва кичик корхона ҳисоботи” давлат статистика ҳисоботи маълумотларига асосан илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича хизматларни кўрсатган микрофирма ва кичик корхоналар тўғрисидаги маълумотларни Турмуш даражаси ва ижтимоий соҳа статистикаси бошқармасига тақдим этсин.

4. Жорий йилнинг 10 март санасига қадар Ахборот технологиялари, дастурлаштириш ва техник ривожлантириш бошқармаси Турмуш даражаси ва ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан келишилган ҳолда:

кузатувни Интернет тармоғи орқали электрон тарздаги ўтказиш мақсадида, eStat 2.0 автоматлаштирилган ахборот тизими учун кузатув анкетасининг электрон шаблонини тайёрласин ва тизимга жойлаштирсин;

микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этилган кузатув анкеталарини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун тегишли дастурий таъминотни тайёрласин.

5. Ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари, Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича сўров ўтказилиши белгиланган микрофирма ва кичик корхоналарни ўз вақтида хабардор қилинишини ва кузатувни сифатли ўтказилишини ташкил этсинлар ҳамда шахсан назоратга олсинлар.

6. Турмуш даражаси ва ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси (Ж.Шарипов):

сўров ўтказилиши белгиланган микрофирма ва кичик корхоналарда кузатув ўтказилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин;

кузатув жараёнида олинган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилинишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Раис ўринбосари А.Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Раиснинг биринчи
ўринбосари**


Б.Мирусманов